

«Krka, d.d., Novo mesto» фармацевтик ширкатининг
Ўзбекистондаги Ваколатхонаси

БУЙРУК №106

Тошкент шаҳри

01.11.2021 йил

2020 йил 15 июлда «Krka, d.d., Novo mesto» фармацевтик ширкати бошқарувининг мунтазам мажлисида 72/2018-сон қарор билан тасдиқланган «KRKA компаниясининг Ахлоқ кодекси» ва «Фирибгарликни олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш ҳақидаги Низом» номли низомлари Ваколатхонанинг ички низомлари сифатида қабул қилинади ва ушбу ички низомлар билан барча Ваколатхона ходимларини таништириш ҳамда Ваколатхонага янги ишга қабул қилинадиган ходимларини меҳнат вазифаларини бошлашларидан аввал таништиришлари бўйича

БУЮРАМАН:

1. 2022 йил 31 – январгача «KRKA компаниясининг Ахлоқ кодекси» ва «Фирибгарликни олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш ҳақидаги Низом» номли ички низомлар билан барча Ваколатхона ходимларини электрон тарзда eSamrus дастури ёрдамида таништирилсин. Ходимларни ушбу ички низомлар билан eSamrus дастури ёрдамида таништириш, Ваколатхонанинг ахборот технологиялари бўйича маъмурига юклатилсин.
2. Навбатдаги 2022 йилдаги Ваколатхонанинг ходимларининг циклик мажлисида ушбу «KRKA компаниясининг Ахлоқ кодекси» ва «Фирибгарликни олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш ҳақидаги Низом» номли ички низомлар билан барча Ваколатхона ходимлари танишганликлари ҳақида қўлдан имзоласинлар.
3. Ваколатхонада ишлаб турган ва келажакда ишга қабул қилинадиган ходимларини ушбу «KRKA компаниясининг Ахлоқ кодекси» ва «Фирибгарликни олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш ҳақидаги Низом» номли ички низомлар билан таништириш ва имзолатиш Ваколатхонанинг ходимлар бўйича мутахассисларга юклатилсин.

Ваколатхона директори



Иқбол Сиддиқов

“Буйрук билан танишдим”:

Ахборот технологиялари бўйича маъмур – У.Х.Шакиров

01.11.2021 й.

Ходимлар бўйича мутахасс – Б.Б.Азимов

01.11.2021 й.

Ишлаб чиқилган:

Тузилмавий бўлинма

Исми ва фамилияси

Имзоси ва санаси

Молия бўлими

Марьета Пирц

Юридик хизмати

Барбка Рус Крумберггер

Маъқулланган:

Тузилмавий бўлинма

Исми ва фамилияси

Имзоси ва санаси

Фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини таъминлаш бўйича ваколатли шахс
Греггор Редек

Кадрлар сектори

Дори Силвия Горенц

Бошқарув кенгашининг ваколатли аъзоси

Давид Братож

Тасдиқланган

Сана

Бошқарув кенгаши

«КРКА, д. д., Ново место» бошқарувининг йиғилишида ...сонли қарор билан 15.07.2020 куни тасдиқланди

Кучга кириш санаси: 1. 8. 2020

<i>Олдинги нашрлар</i>	
<i>Нашр</i>	<i>Ўзгартиришнинг таърифи</i>
Бошқарув кенгашининг ...сонли қарори	Ҳар 2 йилда мунтазам текшириш. Мазмуни мос келади, равшанлик учун айрим тахририй ўзгартиришлар киритилган, алоқалар- янги. Шунинг учун ўзгаришлар туфайли ходимларни ўқитиш талаб этилмайди, ҳужжат аввалги версияси каби тарқалади.

Бошқарув кенгашининг 72/2018-сонли қарори	«KRKA, d.d., Novo mesto» фармацевтик компаниясининг 2.12.2009 йилдаги Ахлоқий кодексини ўрнини эгаллаган КРКА компаниясининг Ахлоқ кодексини тасдиқлаш.
Бошқарув кенгашининг 219/2009-сонли қарори	«KRKA, d.d., Novo mesto» фармацевтик компаниясининг 2.12.2009 йилдаги Ахлоқий кодекси.

КРКА компаниясининг Ахлоқ кодекси

КИРИШ ҚОИДАЛАРИ

АСОСИЙ АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўрнатилган

Ўзбошқарулик

Мукамаллик

Менежментнинг яхлитлиги

КОРПОРАТИВ ЯХЛИТЛИК

Фирибгарлик ва коррупцияни тақиқлаш

Манфаатлар тўқнашуви

Препаратларни илғор суриш

Етказиб берувчилар ва бизнес ҳамкорлар

Адолатли рақобат

ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ ЖАВОБГАРЛИК

КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛИ ШАХС

НОМУВОФИҚ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР ҲАҚИДА ХАБАР БЕРИШ

ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

КИРИШ ҚОИДАЛАРИ

КРКА компаниясининг Хулқ кодекси (кейинги ўринларда "кодекс") «КРКА, д. д., Ново место»да ва унга қарам бўлган жамиятларда (кейинги ўринларда КРКА) ахлоқий хулқнинг, инсофли иш амалиётининг ва хулқ меъёрларининг тамойиллари ва қоидаларини белгилаб беради ва КРКАнинг барча ходимлари учун шартли ҳисобланади. Кодекс КРКА компаниясининг бошқа барча ички қоидалари таянган асос ҳисобланади.

КРКА компаниясининг барча ходимларини етакчи тамойили бўлиб юқори маънавий тамойилларга ва ҳаққонийлик, содиқлик ва профессионализм тамойилларига риоя қилиб изчил хатти-ҳаракат қилиш ва фармацевтик sanoat соҳасида халқаро ташкилотларнинг меъёрларига, тавсияларига ва жамиятнинг ички ҳужжатларига изчил риоя қилиш ҳисобланади.

Кодекс КРКАнинг <https://www.krka.biz/si/> веб-саҳифасида нашр қилинган. Шунинг учун ҳужжат билан КРКА компанияси билан ҳамкорлигида унинг қоидаларига риоя қилиши кутилаётган бизнинг барча бизнес ҳамкорларимиз танишиб чиқиши мумкин.

АСОСИЙ АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

КРКА компаниясининг асосий ахлоқий тамойиллари бўлиб, биринчи ўринда, ҳам ходимлар билан ўзаро муносабатларда, ҳам бошқа шахсларга нисбатан ҳурмат, ҳамкорлик, мукамаллик ва менежментнинг яхлитлиги ҳисобланади.

КРКА компаниясининг ходимлари сифатида биз асосий тамойилларга риоя қилиб, КРКА компаниясининг келажақдаги қарашларини рўёбга чиқаришимизни, режалаштирилган бизнес натижаларни амалга оширишимизни ва КРКА компаниясининг бизнес обрўсини парвариш қилишимизни, ҳамда биз ишлаётган жамоат муҳитига ўз ҳиссамизни қўшишимизни тушунамиз.

Ҳурмат

Фаолиятимизнинг асоси бўлиб барча учун турли имкониятлар ва ҳуқуқий меъёрларга риоя қилиш, ҳамда атрофдагиларга ва жамоат муҳитига ахлоқий муносабатда бўлиш ҳисобланади. Биз халқаро тан олинган тамойиллар ва тавсиялардаги **инсон ҳуқуқларини ҳурмат қиламиз**. Биз фаолият юритаётган барча давлатларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча ҳуқуқий меъёрларга ва стандартларга риоя қиламиз.

Биз ҳар бир инсоннинг кадр-қимматини ва шахсиятининг яхлитлигини ҳурмат қиламиз. Биз шунингдек, сўз эркинлигини ва ўз эътиқодларини ифодалашни ҳурмат қиламиз, ва биз ҳар доим бошқаларга ҳурмат билан қараймиз. Ходимларнинг таълим даражаси ёки раҳбарлик мавқеидан қатъи назар, биз улар билан очиқ муносабатларни қўллаб турамыз. Ноҳақ ва ноқонуний ишнинг барча шакллари тақиқланади.

Ходимларнинг ҳар қандай камситилиши тақиқланган. Ходимларнинг миллати, ирқи ёки этник келиб чиқиши, миллий ёки ижтимоий мансублиги, жинси, терисининг ранги, саломатлигининг ҳолати, ногиронлиги, дини ёки эътиқоди, ёши, жинсий ориентацияси, оилавий аҳволи, касаба уюшмасига мансублиги, молиявий ҳолати ёки бошқа шахсий шароитларига эътибор бермасдан, биз уларнинг барчасига бир хил муносабатда бўламиз.

Иш жойида таъқиб ва таҳқирлашнинг ҳар қандай тури тақиқланган. Биз ҳалол иш шароитларини ва очиқ ва ижодий иш муҳитини қўллаб-қувватлаймиз. Биз шундай ишчи муҳитни яратамизки, унда ходимлар, юқори турувчи ёки учинчи шахслар томонидан ҳеч ким руҳий босимга ва жинсий ёки бошқа турдаги таъқиб ёки таҳқирга учрамайди. Ҳар бир шахс бошқа шахснинг кадр-қимматига таҳдид соладиган номувофиқ хатти-ҳаракатлардан тийиниб туриши керак. Агар биз ходимнинг номувофиқ хатти-ҳаракатларини кўрсак, биз бу ҳақда дарҳол бевосита раҳбарга ёки тузилмавий бўлинма раҳбарига хабар беришимиз керак. Агар биз раҳбарнинг номувофиқ хатти-ҳаракатларини кўрсак, бу ҳақда унинг бевосита раҳбарига ёки моббинг тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатланган шахсга хабар берамиз. Ҳар бир ходим моббинг ҳолатлари ҳақида ваколатли шахсларнинг ҳар қандайига хабар бериши мумкин. Моббинг ҳолатида хатти-ҳаракатларнинг қоидалари ва моббинг ишини кўриб чиқадиган ваколатли шахсларнинг рўйхати Крканетда, КРКА компаниясининг ички веб-саҳифасида нашр қилинган (Моббинг ҳолатида хатти-ҳаракатлар қоидалари)

Биз ходимларнинг саломатлиги хавфга дучор бўлмайдиган **хавфсиз ва соғлом иш муҳитини қўллаб турамиз** ва биз мунтазам равишда саломатлик учун эҳтимолли хавф ва бахтсиз ҳодисалар пайдо бўлишини пасайтириш ва бартараф этиш бўйича чораларни қабул қиламиз. Ҳамма меҳнат хавфсизлиги ва соғлиқни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган барча меъёрларга ва ички ҳужжатларга риоя қилиши керак. Хавфсиз ва соғлом ишчи муҳити бизнинг асосий йўналишимиз ҳисобланади, шунинг учун ходимлар алкоголь, гиёҳванд моддалар ёки бошқа тақиқланган моддаларнинг таъсири остида ишлаши ёки иш жойида бўлиши мумкин эмас. Чекиш КРКАнинг бутун ҳудудида тақиқланади. Ўз ишимизни биз шундай эътиборлик билан бажаришимиз керакки, ўзимизнинг ҳаётимиз ва саломатлигимизни, ҳамда бошқа шахсларнинг ҳам ҳаёти ва саломатлигини хавф остига қўймаслигимиз керак. Ишчи ускуналар, хавфсизлик тизими асбоблари ва шахсий ҳимоя воситалари ўзларининг мақсадлари ва иш берувчининг йўриқномасига мувофиқ ишлатилиши керак, улар билан эҳтиёт бўлиб ишлаш керак ва уларни соз ҳолатда сақлаш керак.

Ҳар бир ходим меҳнат хавфсизлиги ва соғлиқни сақлаш, ёнгин муҳофазаси ва меҳнат муҳофазаси соҳасида билимга эга бўлиши ва таълим олиши керак, ҳамда ўз раҳбарларига ишчи муҳитдаги камчиликларни ва иш жойидаги барча хавфларни кўрсатиши керак.

Ҳамкорлик

Биз фаолият олиб борадиган барча муҳитларда турли манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қиламиз: акциядорлар, ходимлар, етказиб берувчилар, харидорлар, муассасалар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва алоҳида шахслар билан. Биз ўзаро ҳурмат ва турли фикрларни инobatга олишга асосланган ва КРКА қадриятини оширишга қаратилган ҳамкорликка кўмак кўрсатамиз.

Соғлиқни сақлаш, фармацевтика ва ветеринария соҳалари билан барча алоқалар препаратларимиз тўғрисидаги профессионал ва объектив маълумотларни таъминлашга қаратилган, бу эса тиббий хизматни яхшилаб ва профессионал билимлар алмашинувини таъминлаб, пациентлар ва фойдаланувчилар учун катта фойда олиб келади, ва ушбу муносабатлар қатъий қоидалар, ички ҳужжатлар, ҳамда юқори ахлоқий стандартлар билан тартибга солинади.

Профессионал жамоатчиликка биз КРКА маҳсулотлари, уларнинг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлиги тўғрисида объектив ахборотни тақдим этамиз. Уларни ишлаб чиқишда, ишлаб чиқаришда, сотишда ва илғор суришда биз тиббиёт ташкилотлари, жумладан касалхоналар, клиникалар, университетлар ва бошқа таълим муассасалари, тартибга солувчи органлар ва дори препаратлари бўйича давлат агентликлари билан ҳамкорлик қиламиз, шу ўринда барча меъёрларга риоя қиламиз ва ҳужжатларни шаффоф юритамиз.

Компаниянинг фаолияти бўйича ва тартибга солувчи органлар, акциядорлар, инвесторлар, оммавий ахборот воситалари, таҳлилчилар ва кенг жамоатчиликка тўлиқ, объектив, ўз вақтида ва тегишли ахборотни тақдим этишда биз **яхлит ва шаффоф ҳисобот тамойилларига** риоя қиламиз. Барча ҳисоботлар, молиявий ва бизнес маълумотлар ҳисоботнинг меъёрларига ва халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланади ва нашр қилинади. Фаолиятимиз ва ҳисоботимизга нисбатан бизнинг муваффақиятларимиз жамоатчиликнинг кенг доираси билан боғлиқлигини ва биз ҳар доим компания иштирокчиларининг фойдасига ҳаракат қилишимиз кераклигини тушунамиз.

Мукамаллик

Биз **самарали, сифатли ва хавфсиз маҳсулотлар** билан таъминлаймиз. Маҳсулотларнинг самарадорлиги, сифати ва хавфсизлиги уларнинг ҳаётий йўлининг ишлаб чиқишдан тортиб қўлланилишигача бўлган барча босқичларида, ҳамда қайтувчи ахборот орқали кузатиб борилади.

иш муҳитини
ва бахтсиз
қиламиз.
а ва

Бизда тезда чора кўриш имконини берувчи дори воситаларининг ножўя таъсирлари тўғрисида хабар қилиш ва ахборот йиғиш тизими мавжуд.

Тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестициялар қилиб, ҳамда тиббий мутахассислар ва бизнес ҳамкорлар билан ҳамкорлик қилиб, биз фармацевтика соҳасидаги билим даражамизни оширамиз ва сифатли дори препаратларни ишлаб чиқишга ўз ҳиссамизни қўшамиз. Биз тадқиқотларнинг мустақиллигини ва касбий маҳоратини кафолатлаймиз, уларнинг натижаларини сақлаймиз, улар ҳақида хабар берамиз ва ҳар доим қайтувчи алоқани ҳисобга оламиз.

Пациентларга, фойдаланувчиларга, тиббий ходимларга ва бошқа мутахассисларга, тартибга солувчи органларга, бизнес ҳамкорларга ва харидорларга объектив, тўлиқ ва ўз вақтида ахборотни тақдим этиш бизнинг раҳбарлик тамойилимиз ҳисобланади.

Ўз ишимизни бажаришда оладиган барча ахборот компаниянинг мулки ҳисобланади, уни ҳаттоки КРКА компаниясида меҳнат муносабатларимизни тўхтатганимиздан кейин ҳам сақлаб қолишимиз керак. Сезгир ва махфий ички ахборотни ёки тубида бизнес-операцияни ошкор қилиш қатъий тақиқланади, ва бу компанияга ва уни ошкор қилган алоҳида шахсга қарши меҳнат, маъмурий, фуқаролик ва жиноий ишни очилишига олиб келиши мумкин.

Компаниянинг ходимлари махфий деб белгиланган ёки ўзининг табиати бўйича махфий ҳисобланган **ахборотни** синчковлик билан сир сақлашлари керак, ундан шахсий манфаатларда фойдаланиш ва олдиндан маъқулланмасдан уни компания ичидаги ёки ташқарисидаги учинчи шахсга тақдим этиш тақиқланади. Бу айниқса сезгир бизнес ахборотга, техник ва тижорат маълумотларга, компания ва ходимлар тўғрисидаги бошқа маълумотларга, ҳамда учинчи шахслар тўғрисидаги маълумотларга тааллуқли. Ходимлар барча қоидаларга ва ахборотни ҳимоя ва муҳофаза қилиш тартибига риоя қилишлари керак. Бундан ташқари, биз бизнес ҳамкорларимиз ва учинчи шахсларнинг барча махфий маълумотларини ва интеллектуал мулкни синчковлик билан ҳимоя қиламиз. (Иш сирини аниқлаш ва ҳимоя қилиш қоидалари)

Сўз сезгир ва махфий ахборот ҳақида кетганига ишонч ҳосил қилмаган ҳолатларимизда, биз ахборот юқори махфийлик даражасида бўлганлиги каби ҳаракат қилишимиз керак ва ахборотнинг эгаси ёки Юридик хизмат билан маслаҳатлашишимиз керак. Биз тоза стол ва тоза экран сиёсатига амал қиламиз. Агар электрон почта орқали сезгир маълумотларни юборсак, илова рухсатсиз киришдан ҳимояланишини таъминлаб беришимиз керак. Электрон почта орқали занжир-хатларни, қизиқарли ҳикояларни ва бошқа мос келмайдиган мазмунларни юбориш мумкин эмас. Нотаниш юборувчидан келган хабарларда текширилмаган ҳаволаларга босмаслик керак ва нотаниш манбадан келган иловаларни очмаслик керак, чунки бир киберҳужумнинг қурбони бўлиб қолишимиз мумкин. КРКА компаниясида ахборотни ҳимоя қилиш бўйича ташкилотчилик, раҳбарлик ва фаолиятни мувофиқлаштириш учун жавоб берадиган **ахборот хавфсизлиги бўйича ваколатли шахс** мавжуд. Ходимлар ушбу шахсга таклифлар билан мурожаат қилишлари мумкин ёки, айниқса, улар шу соҳадаги камчиликларни кўрганида унга ўз фикрларини айтишлари мумкин. (Ахборот технологиясидан тегишли равишда фойдаланиш қоидалари).

Шахсий маълумотларга биз уларнинг шаффофлигини ва хавфсизлигини парвариш қилиб, ҳамда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш меъёрларига мувофиқ тарзда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўламиз. Шахсий маълумотларни фақат қонунчилик талабларини бажариш ва КРКА компаниясининг қонуний манфаатларини амалга ошириш учун керак бўлган ҳажмда ёки ҳар қандай вақтда чақириб олиш мумкин бўлган шахсий розилик асосида йиғиш мумкин. Агар биз шахсий маълумотларимизга нисбатан бизнинг ҳуқуқларимиз бузилган деб ҳисобласак, биз маслаҳат сўраб бевосита раҳбарга мурожаат қилишимиз ёки **шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича ваколатли шахс** билан маслаҳатлашишимиз мумкин. Биз шахсий маълумотлар бузилганлиги ҳақида билганимизда бу ҳақда дарҳол, лекин 24 соатдан кечикмасдан, шахсий

маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича ваколатли шахсга хабар беришимиз керак (dataprotection.officer@krka.biz). Алоҳида қарамли жамиятларда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича ваколатли шахсларнинг алоқа маълумотлари ички веб-саҳифада жойлашган. (Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Низом)

Биз компаниянинг обрўси ҳақида қайғураемиз. Барча ходимлар КРКА компаниясининг стратегик муҳим мақсадлари, унинг миссияси, келажақдаги қарашлари ва кадриятлари билан танишиб чиқишлари керак, ва шу тарзда ўзаро ишонч, ҳурмат, узлуксиз таълим, ҳамда масъул ва самарали иш маданиятини яратишлари керак. Хабардор қилиш ички йиғилишларда (учрашувлар, мунтазам циклик таълим) ва ходимларнинг умумий йиғилишларида, ҳамда компаниянинг ички веб-саҳифалари, ички газеталари ва электрон хабарлари орқали амалга оширилади.

КРКА ҳудудида туширилган барча фотосуратларни, видео- ва овоз ёзувларини, ҳамда барча матнларни реклама ёки шахсий мақсадларда босма ва электрон ОАВларда нашр қилишдан олдин Жамоатчилик билан алоқа хизматининг ёзма рухсатини олиш зарур (public.relations@krka.biz). Корхона номидан ОАВ билан коммуникация учун фақат жамоат муҳитида КРКА компаниясини ифодаловчи ваколатли шахслар жавоб беради.

Бизнес муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланган электрон коммуникация орқали КРКА корхонасининг ва унинг маҳсулотларининг обрўси яратилади ва компанияни таниб олишлик даражаси оширилади. Электрон почтадан тегишли равишда ва ўйлаб, ва КРКА компаниясининг обрўсига зарар етказмайдиган тарзда фойдаланиш керак.

Ижтимоий тармоқлар шахсий ҳаёт дахлсизлигининг ҳимоясини таъминлаб бера олмаслигини англашимиз лозим, ва шунинг учун биз ўзимизни КРКА компаниясининг кадриятларига мувофиқ тутишимиз ва шахсиятнинг яхлитлигини сақлашимиз керак. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланаётганда шуни назарда тутиш керакки, биз ижтимоий тармоқларга жойлаштираётган ўзимиз ҳақимиздаги ёки КРКА компанияси ҳақидаги ахборот у ерда бутунлай қолади ва ҳаммага эришимли бўлади. (Компания ходимлари учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш бўйича йўриқнома)

Компаниянинг мулкидан керакли тарздаги эҳтиёткорлик билан, оқилона ва унинг мақсади ва ички муолажалар ва йўриқномаларга мувофиқ равишда фойдаланиш керак. Ҳар бир ходим компаниянинг мулкига лозим бўлган масъулият билан қарши ва уни йўқотиш, ўғирлаш ёки рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиши керак. Компаниянинг мулки компаниянинг эҳтиёжлари учун ва истисно тариқасида ва келишилган ҳамжларда шахсий эҳтиёжлар учун ишлатилади. (Ускунадан фойдаланишда шахсий жавобгарликни ўрнатиш тўғрисидаги Низом)

Ҳар бир ходим у бажараётган ишнинг табиатига қараб, КРКА компаниясининг бизнес манфаатларига ва обрўсига моддий ёки маънавий зарар етказадиган ёки етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан чекланиши керак. Ўз ишимизда биз КРКА компаниясининг корпоратив визуал образи ҳақида қайғуришимиз керак, ҳамда КРКА компаниясининг йўриқномалари ва протоколларига ва хизмат этикетига риоя қилишимиз керак.

Менежментнинг яхлитлиги

Ўз функциялари ва вазифаларини бажаришда раҳбарлик қилувчи шахслар шахсиятнинг яхлитлигини ва КРКА компанияси фаолиятининг асосий тамойилларини ҳурмат қилишлари керак. Ўзининг иши ва бошқариш услуги билан компаниянинг раҳбарияти ва раҳбарлик қилувчи кадрлар ўрнатқ бўлиб хизмат қилади, ҳамда бизнес ва ишчи муҳитни яратишда асосий омил ҳисобланади, бу эса ходимларга ва бошқа манфаатдор томонларга қоидаларга ва ахлоқий меъёрларга мувофиқ ҳаракат қилиш имконини беради. Компаниянинг раҳбарияти ва раҳбарлик қилувчи кадрлар ҳамма ходимлар ўз қоидалари, мажбуриятлари, лавозимлари ва компаниянинг барча тегишли меъёрлари ва ички ҳужжатлари билан танишиб чиқиши ва КРКА компаниясининг

қоидалари, тамойиллари ва қадриятларига риоя қилиши учун жавоб берадилар. Ўз функциялари ва вазифаларини бажаришда компаниянинг раҳбарияти ва барча раҳбарлик қилувчи шасхлар компаниянинг мулкдорларига, ходимларига ва мулкига бутун масъулият билан қарашлари керак.

КРКА компаниясида биз ишонч, ҳурмат, ҳамкорлик ва жамоавий ўзаро муносабатлар, узлуксиз таълим, ҳамда масъулиятли ва самарали иш маданиятини яратамиз. Бизнинг билим, қобилият, инновативлик, меҳнатсеварлик ва топқирлигимиз бизга **тезкор ва мослашувчан** бўлиш имконини беради. Биз ўзгариб турадиган бизнес муҳитда ҳаракат қиламиз, шунинг учун биз бозор эҳтиёжларига тез жавоб қайтарамиз, тараққиётни кузатиб борамиз, ишчи жараёнларнинг турли талабларига мослашамиз ва уддабурон ечимларни излаймиз. КРКА компаниясида биз яхши ўзаро муносабатларни қураамиз. **Ҳамкорлик ва ишонч** барча ходимларга ва барча ҳамкорларга бўлган ҳурматли муносабатнинг асоси ҳисобланади. Биз **ижодкорлик ва самарадорликни** рағбатлантирадиган муҳитни яратамиз. Биз ходимларимизни доим янги ғояларни излашга, улар мақсадга мувофиқ бўлса, улар ҳақида ҳикоя қилиб беришга ва уларни амалга оширишга рағбатлантираамиз. Биз ўз вазифаларимизни тўлиқ имкониятларимиз даражасида бажаришга ҳаракат қиламиз, ҳаммасини имкон қадар яхши ва қисқа муддатларда бажарамиз.

КОРПОРАТИВ ЯХЛИТЛИК

Фирибгарлик ва коррупцияни тақиқлаш

Функциялар ва вазифаларни бажаришда КРКА компанияси барча ходимларининг етакчи тамойили бўлиб КРКАнинг барча амалдаги меъёрлари ва ички ҳужжатлари каби, асосий ахлоқий тамойилларга ва мазкур кодекснинг қоидаларига мувофиқ хатти-ҳаракатлар қилиш ҳисобланади. **Ҳар қандай фирибгарлик ва ҳар қандай коррупцион хатти-ҳаракатлар тақиқланади.**

Фирибгарлик ва коррупцияни олдини олиш махсус қоида билан тартибга солинади. (Фирибгарликни олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш тўғрисидаги Низом)

КРКАда ишлайдиган барча ўзини ахлоқий, профессионал ва меъёрларга мувофиқ тутиши керак, шунинг учун КРКАда:

- фирибгарлик ва коррупцияни олдини олишда, ва фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишига риоя қилишда биз нолга тенг толерантлик тамойилини қўллаймиз, яъни, ходимлар ва бизнес ҳамкорларнинг ҳар қандай ахлоқсиз, профессионал бўлмаган ёки нотўғри хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди;
- биз шахсий фойда ва иқтисодий фойда, ёки учинчи шахсларнинг фойдаси учун компаниянинг бизнес салоҳиятларидан, унинг афзалликларидан ва маълумотларидан фойдаланмаймиз;
- биз ҳар қандай фойдаларни ваъда қилмаймиз ва давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, бизнес ҳамкорларнинг ёки ҳар қандай бошқа шахсларнинг қарорига таъсир кўрсатиш мақсадида совғалар бермаймиз, ҳамда ишларни бажаришда қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган совғаларни ва ҳар қандай фойдаларни олмаймиз;
- фақатгина маълум ҳодисага бағишланган, рамзий ёки реклама сифатида қиймати катта бўлмаган совғаларга ва бизнес, маданий, спорт, таълим ва бошқа тадбирларда ёки учрашувларда анъанавий ёки оддий бўлган ноз-неъматларга рухсат берилади, лекин улар ҳодисанинг асосий мақсадига номутаносиб бўлмаслиги керак;

- вазиятлар қонунга қарши ҳаракатлар, ваъдалар ёки катта совғалар қабул қилиш ва фойда олиш тасаввурини яратиши мумкин бўлган ҳолатлардан чекланамиз, ва ҳамкорларимиз буни шулар каби қабул қилиши мумкин бўлса, биз бизнес-муносабатларга киришмаймиз.

Биз **ички ахборотга** киришга рухсати бўлган шахслар ахборотнинг махфийлик ва сезгирлик даражаси билан танишиши борасида ғамхўрлик қиламиз. Бизда жамиятнинг молиявий инструментлари билан бизнес-операциялар бўйича амалдаги ички ҳужжатлар ва шу каби маълумотга эга бўлган ходимларни ва учинчи шахсларни назорат қилиш бўйича жорий қилинган механизмлар мавжуд, ва шу тарзда ички ахборот асосида эҳтимолли суиистемоллар ва бизнес-операциялар бартараф этилади. Ички ахборотга кириш ҳуқуқи бўлган барча шахслар учун бир давр белгиланган, унинг мобайнида уларга жамиятнинг молиявий инструментлари билан бизнес-операцияларни ўтказиш тақиқланган.

Манфаатлар тўқнашуви

Алоҳида шахснинг шахсий манфаатлари ходимнинг керакли эҳтиёткорлик билан ва объектив тарзда қарорларни қабул қилишига ва ишини КРКА компаниясининг фойдасига бажаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлганида манфаатлар тўқнашуви вужудга келади. Сўз алоҳида шахснинг иқтисодий манфаати, шахсий манфаати, оила аъзоларининг ёки у билан боғлиқ бўлган бошқа шахсларнинг манфаати ҳақида кетиши мумкин. Тўқнашув шахснинг тадбиркорлик, илмий, сиёсий ёки бошқа ҳамжамиятлардаги иштирокидан келиб чиқиши мумкин.

Барча ходимларнинг етакчи тамойили бўлиб КРКА компаниясининг энг яхши манфаатлари йўлида қарорларни қабул қилиш лозимлиги ҳисобланади, шунинг учун ходимлар уларнинг қарорларига КРКАнинг манфаатлари эмас, асосан шахсий манфаатлари таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, ёки шундай тасаввур туғилиши мумкин бўлган барча вазиятлардан четланишлари керак.

Шахсий ёки бошқа ҳолатлар бизнинг ишимизга ва фикрлашимизга, ёки ходимларимизнинг ишига ёки фикрлашига таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрганимизда, бу ҳақда дарҳол бевосита раҳбаримизга хабар беришимиз керак. Биз ҳар бир манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар беришимиз керак ва, агар шундай манфаатлар мавжуд бўлса, ўзимизни бизнес қарорларни қабул қилиш жараёнидан чиқариб ташлашимиз керак.

Манфаатлар тўқнашуви айниқса қуйидаги ҳолатларда келиб чиқади деб ҳисобланади:

- ходим рақобатчи компаниянинг ёки КРКА бизнес ҳамкорининг асосий эгаси ҳисобланганида;
- ходим рақобатчи компанияларда ёки КРКАнинг бизнес ҳамкорлари ҳисобланган компанияларда бошқарув ва назорат органининг аъзоси бўлганида;
- ходим шартнома бўйича ёки бошқа қандайдир асос бўйича (бепул ёки пулга) рақобатчи компания ёки КРКА компаниясининг бизнес ҳамкори учун ҳар қандай ишни бажарганда ёки хизматни тақдим этганда;
- ходим ўзининг яқин оила аъзоларини ишга олишга ва мукофотлашга қарор қилганида.

Манфаатлар тўқнашувига гумон бўлганида бу ҳақда раҳбар, Юридик хизмати ёки фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини таъминлаш бўйича ваколатли шахс билан маслаҳатлашиш лозим.

Меҳнат муносабатлари мавжудлиги даврида ходимларга ёзма рухсатсиз уларнинг номидан ёки бошқа шахсларнинг номидан КРКАнинг фаолият соҳасига кирувчи, рақобатчиликни ифода этувчи ёки ифода этиши мумкин бўлган ишларни бажариш ёки шартномаларни тузиш тақиқланади.

Препаратларни илғор суриш

Фармацевтика саноати ва тиббиёт мутахассислари ўртасидаги муносабатлар қатъий ахлоқий стандартларга, меъёрларга ва тавсияларга мувофиқ бўлиши шарт. **КРКА дори препаратларини ва бошқа маҳсулотларини реклама қилиш ва илғор суриш** реклама тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ва дори воситаларини ва бошқа маҳсулотларни мақсадга мувофиқ ва хавфсиз қўлланилишини рағбатлантирадиган тарзда амалга оширилиши керак. Дори препаратлари объектив тарзда ва хусусиятлари ошириб юборилмасдан тақдим этилади. Рекламанинг ҳар бир алоҳида элементи ва хабарни олувчи бир бутун сифатида қабул қиладиган барча қисмлари дори препаратининг тасдиқланган қисқача тавсифига мувофиқ шаклланади. Дори препаратининг барча тавсифлари мувозанатлаштирилган ва нотўғри талқин қилинмайдиган тарзда тақдим этилади. Тиббиёт вакиллари қоидаларга мувофиқ фаолият юритади ва маҳсулотни илғор суриш бўйича тегишли билимларни олади. (Маҳсулотни илғор суриш бўйича КРКА компанияси фаолиятининг Кодекси).

Биз **конгрессларда, симпозиумларда ва профессионаллар учун тадбирларда** иштирок этамиз ва ишлаб чиқариш ва ривожлантириш цехлари бўйлаб экскурсияларни уюштираемиз, ҳамда мақсади КРКА маҳсулотлари ҳақида профессионал ахборотни узатиш ва профессионал жамоатчиликни энг янги тиббий янгиликлар билан таништириш, ҳамда КРКАни ишончли ҳамкор сифатида кўрсатиш бўлган таълим тадбирларини ташкиллаштираемиз.

Тиббиёт ходимларининг билимларини яхшилаш мақсадида биз **илмий тиббиёт ва фармацевтик тадқиқотларни** ва таълим дастурларини қўллаб-қувватлаймиз, уларга саломатлик, профилактика, касалликларнинг белгилари ва даволашнинг эҳтимолли усуллари тўғрисида умумий ва объектив ахборотни тақдим этамиз.

Тиббиёт ходимлари ва ташкилотлари учун мўлжалланган **эҳсонлар** ва бошқа молиявий ва номолиявий маблағлар энг янги тиббий билимларни олишга ва соғлиқни сақлаш ва тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга берилади. Улар ҳужжатлаштирилади ва шаффоф бўлади, лекин улар шундай усулда амалга ошириладики, у маҳсулотларимизни тайинлаш, тавсия қилиш, бериш, сотиш ёки харид қилиш борасида шифокорларга, тиббиёт ходимлари ва ташкилотларига таъсир кўрсатиш эҳтимолини истисно қилади.

Профессионал конгрессларда иштирок этиш, маърузаларни ўқиш ва ҳоказолар мақсадида тиббиёт ходимлари ва ташкилотларига, ассоциациялар ва жамиятларга мўлжалланган барча молиявий ва номолиявий маблағлар **шаффоф** ҳисобланади ва 2018 йил 30 июндан бошлаб КРКАнинг веб-саҳифасида нашр қилинади.

Етказиб берувчилар ва бизнес ҳамкорлар

Харидорларни, етказиб берувчиларни ва бошқа бизнес ҳамкорларни доим текшириб тураемиз, бизнес муносабатлар натижасида вужудга келадиган хавфларни эса самарали бошқарамиз. Шу тарзда биз обрўмизга бўлган эҳтимолли зиённи ва тижорат зарарларни бартараф этамиз.

Етказиб берувчилар ва бизнес ҳамкорлардан қуйидагиларни кутамиз:

- инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишини ва инсоннинг қадрияти ва шахсий ҳаёти ҳурмат қилинадиган ишчи муҳитини яратилишини;
- барча тақиқланган иш турларидан четланишини;
- ички назоратни, хавфлар ва тўқнашувларни бошқариш тизимини қўллаб-қувватлашини, ва бизга КРКА компаниясига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи манфаатлар тўқнашуви ҳақида дарҳол хабар беришини;
- коррупцияга қарши қонунларга ва рақобатчилик соҳасидаги қонунчиликка риоя қилишини, барча турдаги фирибгарлик ва суиистеъмол хавфларини бошқаришини.

Адолатли рақобат

Биз рақобатчилик ҳимоясини тартибга солувчи барча меъёрларга амал қиламиз ва ўзимизнинг хатти-ҳаракатларимиз билан рақобатчиликни бартараф қилмаймиз ва чекламаймиз, ва у ҳақидаги маълумотларни бузиб кўрсатмаймиз.

Сезгир бизнес ахборотларимизни рақибларимизга очиб бермаймиз. Бошқа корхоналар билан рақобатчилик маҳсулотларининг нархлари, ишлаб чиқариш, савдолар, техник тараққиёт ёки инвестицияларни чеклаш, ҳудудий ёки савдо бозорларини ажратиш, кенгайтириш стратегиялари, янги маҳсулотлар, истеъмолчилар, савдоларнинг умумий шартлари ва шу кабилар ҳақида келишиб олмаймиз.

Агар бозорда бизнинг позициямиз етакчи бўлса, биз ғайриқонуний сотув ва харид нархларини бевосита ёки билвосита белгилаш ёки бошқа ғайриқонуний бизнес шартлар учун, ишлаб чиқаришни, бозорни чеклаш учун, ёки истеъмолчилар зарарига техник тараққиёт учун, бошқа контрагентлар билан қиёслаш келишуви учун тенг ҳуқуқли бўлмаган шартлардан фойдаланиш учун, агар у рақобатчилик нуқтаи назаридан шу тарзда номақбул ҳолатга тушадиган бўлса, ёки ўз табиати бўйича ёки тижорат фойдаланиши бўйича шартномаларнинг предмети билан боғлиқ бўлмаган қўшимча мажбуриятларни қабул қилиш талаби билан шартномалар тузишга чақириш учун ушбу позициямизни суиистеъмол қилмаймиз.

ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ ЖАВОБГАРЛИК

Бизнес-жараёнларда бизнинг муваффақиятларимиз биз ишлаётган жамоатчилик муҳитининг муваффақиятлилигига асосланишини англаб етамиз.

Ўз ижтимоий масъулиятимизни биз **фаолият юритаётган муҳитдаги турли фаолликларни кўллаб-қувватлаб, гуманитар фаолиятда иштирок этиб ва фан, таълим, санъат ва маданиятни ривожланишига ҳисса қўшадиган** ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда ёрдам берадиган **турли фаолият турларига киришиб намоён қиламиз**. Умумий ижтимоий тараққиётга қаратилган, имкон қадар кўпроқ сонли инсонлар ҳаётининг сифатини яхшилашга кўмаклашувчи, ёшлар билан ишлашни кучайтирувчи ва КРКАнинг *"Соғлом турмуш тарзи учун"* миссиясига мувофиқ ҳаракат қилувчи гуруҳларга, алоҳида шахсларга ва узоқ муддатли лойиҳаларга афзалликлар берилади.

Миссиямизга мувофиқ равишда биз шунингдек, турли муассасалар ва жамиятларнинг ускуналарини янгилашга ва яхшилашга маблағлар ажратамиз, бу уларнинг фаолиятини сифатини оширишга ёрдам беради. Биз маҳаллий муҳитда ва Словениядан ташқарида ҳам кўп сонли маданий лойиҳаларни кўллаб-қувватлаб турамиз.

Биз атроф муҳитга ғамхўрлик қиламиз ва экологик қоидаларга риоя қиламиз, шу қаторда КРКА объектларига бевосита яқинликда яшовчилар билан ҳам ва кенг маънода минтақа аҳолиси билан ҳам ҳамкорлик қиламиз. Энергиядан самарали фойдаланишга ғамхўрлик қилиш жорий фаолиятга, ривожланиш стратегиясига ва инвестицион лойиҳаларга киритилади, шу тарзда у атроф муҳитга бўлган зарарли таъсирни камайтиришга ёрдам беради, бу эса барқарор ривожланиш тавсияларига мувофиқ келади. Камайтиришга ва натижада энергиянинг бирламчи манбаларидан янада самарали фойдаланишга ёрдам берувчи ускуна ва муолажаларга афзаллик берилади.

Ўз иш жойимиз ва биз томонимиздан бажариладиган иш доирасида биз чиқиндилар миқдорини камайтириш учун ва уларни янада изчил алоҳида йиғиш, сувдан ва барча ишчи воситалардан оқилона фойдаланиш, ҳамда сув камроқ даражада ифлосланиши учун биз саъй ҳаракатларни амалга оширмақдамиз. Кимёвий моддалар билан тўғри ва хавфсиз ишлаш орқали биз фавқулудда ҳодисалар вужудга келиши хавфини камайтираемиз.

КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛИ ШАХС

Фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахс, хизматларнинг ваколатли директорлари ва раҳбарлари билан биргаликда компания даражасида компания фаолиятининг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишидаги хавфларни доимий баҳолаш учун, тегишли фаолликларнинг координацияси учун, ички назоратнинг самарали тизимини таклиф қилиш ва жорий қилиш учун, хабардорликни ошириш учун, фаолиятнинг яхлитлигини мустаҳкамлаш бўйича ўқитиш ва маслаҳат бериш учун, номувофиқ хатти-ҳаракат ва амалдаги меъёрлар, ички қоидалар ва ахлоқий тамойиллар бузилганлиги тўғрисидаги хабарларни тергов қилиш учун, ҳамда компания раҳбариятига КРКА компанияси фаолиятини белгиланган талабларга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш учун жавоб беради.

Фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахс фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини жорий этишни, мазкур кодекснинг меъёрларига риоя қилишни ва КРКА компаниясидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш қоидаларини назорат қилади ва йўналтиради. Департаментлар, бўлимлар ва мустақил хизматларнинг раҳбарлари фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахс билан ҳамкорлик қиладилар ва тегишли фаолликларни ўтказилиши ва улар жавобгар бўлган соҳада фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши учун жавоб берадилар. Фаолиятнинг қарамли жамиятлар ва ваколатхоналарнинг белгиланган талабларига мувофиқ бўлиши учун уларнинг директорлари жавоб берадилар, улар фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахс олдида ҳисобот берадилар. Жамият ва ваколатхонанинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда уларда фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича маҳаллий ваколатли шахсларни тайинлаш мумкин.

НОМУВОФИҚ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР ҲАҚИДА ХАБАР БЕРИШ

Мазкур кодекснинг бузилишига иш мажбуриятларининг бузилиши деб қаралиши мумкин ва у интизом чораларини қўллашга ва/ёки одатий ёки фавқулодда тартибда меҳнат шартномасини бекор қилиш муолажасини қўллашга олиб келиши мумкин. КРКА компаниясининг ҳамкорлари томонидан ахлоқий ва бизнес хулқларининг бузилиши бизнес муносабатларнинг тўхтатилишига сабаб бўлиши мумкин.

КРКА ходимлари ҳар доим мувофиқ хулқнинг тамойилларига, қоидаларига ва тавсияларига риоя қилишлари ва ўзларини мувофиқ равишда тутишлари керак, ва бизнинг хулқимиз, ходимимизнинг ёки учинчи шахснинг хулқи кодексга, меъёрларга ва ички ҳужжатларга мувофиқ эканлигига шубҳа бўлганида, биз маслаҳат сўраб бевосита раҳбарга ёки тузилмавий бўлинманинг директорига мурожаат қилишимиз керак. Агар ишнинг табиати ёки шароитлар бунга йўл қўймаса, маслаҳат сўраб Юридик хизматга ёки фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахсга мурожаат қилиш керак.

Алоқага чиқувчи шахслар ва телефон рақамлари

- фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахс – (07) 331 2600
- Юридик хизмати раҳбари – (07) 331 95 95

Агар мазкур кодекснинг, ички ҳужжатларнинг ёки КРКА меъёрларининг бузилишига асосли шубҳа пайдо бўлса, бу ҳақда фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини таъминлаш бўйича ваколатли шахсга хабар бериш лозим. Ҳуқуқбузарлик тўғрисида шунингдек электрон почта орқали хабар бериш мумкин (compliance.officer@krka.biz).

Агар йўриқнома ёки шартнома қонунчиликка, КРКАнинг ички қоидаларига ва мазкур кодексга тўғри келмаса, ҳар бир ходим уни бажарилишини кечиктириб туриши керак ва бу ҳақда дарҳол масъул шахсларга хабар бериши керак. Барча ҳуқуқбузарликлар жиддий равишда тергов қилинади ва кўриб чиқилади.

КРКА арзчининг маълумотларини махфийлик, профессионаллик ва тегишли эҳтиёткорлик билан кўриб чиқиш ва уни жавобан чоралардан тегишли ҳимоя билан таъминлаш мажбуриятини олади.

Ҳуқуқбузарликлар тўғрисида шахсан хабар бериш ахлоқсиз ва номувофиқ хатти-ҳаракатлар вужудга келишини камайтириши, олдини олиши ёки бартараф этиши мумкин, шунинг учун КРКА ходимларнинг ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги шахсий хабарларини рағбатлантиради.

ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

КРКА компаниясининг Хулқ кодекси 15.3.2018 йилдаги йиғилишда «КРКА, д.д., Ново место» компаниясининг Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланган бўлиб, 1.5.2018 йилдан кучга киради.

Хулқ кодекси компаниянинг ички веб-саҳифасида (Крканет) ва ташқи фойдаланувчилар учун КРКАнинг веб-саҳифасида нашр қилинади.

Мазкур кодекс кучга кирган кундан бошлаб «КРКА, фармацевтика заводи, д.д., Ново место» (Krka, tovarna zdravil, d. d., Novo mesto)нинг 2.12.2009 йилдаги Ахлоқий кодекси ўз кучини йўқотади, у ушбу кодекс билан тўлиқ алмаштирилади. Шу тарзда КРКАнинг Хулқ кодекси эслатиб ўтилган ахлоқий кодекснинг ўрнини босади.

Ҳар бир янги ходим КРКАнинг Ахлоқ кодекси билан кириш семинарида танишиб чиқади.

КРКАнинг Ахлоқ кодекси кучга киргандан кейин бир йил мобайнида КРКАнинг барча ходимлари у билан танишиб чиқишлари керак.

Кодекс текширилади ва заруратга қараб ҳар икки йилда янгиланади.